O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 25 сентябрь № 202 (3477) Шанба

## Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалда

***Бишкекда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг шу йил 17 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида эришилган шартномалар бажарилишининг мантиқий давоми бўлди.***

Мажлисда ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, табиатни муҳофаза қилиш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳукуматлар раҳбарлари олти давлат вазирликлари ва идораларининг ШҲТ доирасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолашди.

Қабул қилинган қарорларга биноан электрон савдо, божхона ҳамкорлиги, техникавий регламентлар, андозалар ва мувофиқлик тартибини жорий қилишдаги ҳамкорлик, транзит салоҳиятини ривожлантириш ва сармояларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус ишчи гуруҳлари фаолият кўрсата бошлади.

Ҳукуматлар раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш тадбирлари режасини тасдиқлашди. У иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳаракатларнинг муҳим йўналишларини қамраб олган. Режа юздан ортиқ аниқ лойиҳалардан таркиб топган ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш механизмларини назарда тутади. ШҲТга аъзо давлатларнинг асосий саъй-ҳаракатлари товарлар, капиталлар ва технологияларнинг эркин ҳаракати учун шарт-шароит барпо этиш, биргаликдаги норматив-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва тегишли қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришга қаратилади.

Ҳукуматлар раҳбарлари ташкилотнинг Тараққиёт жамғармаси ва Ишбилармон кенгашини тузиш ҳамда интернет тармоғида ШҲТ веб-сайтини очиш тўғрисида қарор қабул қилишди.

ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисини кейинги йил иккинчи ярмида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ.**
**«Жаҳон» АА.**



*Ҳақиқий деҳқон камтар бўлади. Баландпарвоз гапларни ёқтирмайди. Тоғни талқон қилганда ҳам камсуқумлик билан "ишлаяпмиз", деб қўя қолади. Нишонлик Эркин Амиров ҳам ана шундайлар жумласидандир.*

*— Миришкор деҳқоннинг тасарруфида 16 гектар пахта майдони бор, — дейди "Нишон" қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги раҳбари Зиёқул Зиёдуллаев. — Биринчи теримдаёқ режани бажарди. Ҳосилдорликни 45 центнерга етказди. Ҳали даласида ҳосил мўл.*

*Аслида Зиёқулнинг ўзи ҳам камтарлик қилди. Негаки, у раҳбар бўлган жамоа ҳам аллақачон йиллик шартномавий режасини бажарган. Айни пайтда мажбурият ҳисобига ҳосил топшираяпти.*

**СУРАТДА:** уста пахтакор Эркин Амиров пахтазорда.
**Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва республика тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2006 йил охиригача тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тармоғини кенгайтиришнинг прогноз жадвали маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси уч ой муддатда Банклараро процессинг маркази негизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режимда амалга ошириш имконини берувчи Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини, автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини ва аҳолидан нақд пул қабул қилиш бошқа пунктларини тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан:

Тошкент шаҳрида — 2005 йил 1 январгача;

вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда — 2005 йил 1 июлгача таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

5. Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишга рухсат берилсин.

6. Пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган тижорат банклари:

2005 йил 1 январгача барча филиаллар, минибанклар ва жамғарма кассаларида тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар ўрнатсинлар;

айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар сотиб олиши учун ўз мижозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар берсинлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича);

терминал тармоғининг узлуксиз ишлаши ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази:

банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўлов-

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Европа Иттифоқи Комиссияси Европа-Эйда дастури доирасида «Ўзбекистонда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳасини молиялаштиришга киришганлиги муносабати билан ана шу дастурни амалга оширишга алоқадор ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш учун махсус таъсис этилган Бошқарув қўмитаси 2004 йил 24 сентябрда ўзининг ташкилий йиғилишини ўтказди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ўтказилган тендерда ғолиб чиққан грек консорциуми таркибида таниқли «Европиен Профайлз», «Европиен Перспктив» компаниялари ҳамда Европа Конституциявий қонунчилик маркази — Цацос фонди бор. Лойиҳани олувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир.

Европа Иттифоқининг мазкур дастури барқарор ривожланишга эришиш ҳамда қонун устуворлигига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга асосланган фуқаролик жамиятининг асосларини барпо этиш учун демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлайди.

Қонун чиқарувчи олий институтлар фаолият олиб бориш асносида тўпланган Европа тажрибасидан баҳраманд этиш йўли билан Олий Мажлисга икки палатали парламент тизимига ўтишда кўмаклашиш лойиҳасининг асосий вазифаларидан биридир. Лойиҳани Ўзбекистонда икки йил ичида амалга ошириш мўлжалланмоқда.

## Сайловлар — ошкоралик белгиси

***Кеча Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Олий Мажлисга бўлажак сайловларнинг ёритилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилган матбуот марказларининг ҳамда Ўзтелерадиокомпаниянинг ҳудудий телерадиокомпаниялари раҳбарлари билан учрашди.***

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси сайлов қонунчилиги ҳақида гапирар экан, фуқароларнинг сайлов тўғрисидаги тушунчаларини ошириш мақсадида қонунлар, Конституция нашр этилганлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан ҳам атрофлича таништирди. У сиёсий жараён ҳар бир нашр, телерадиоканал зиммасига катта масъулият юклашини гапириб, ОАВда сиёсий партияларнинг чиқиши учун бир хил вақт ва ҳажмда имконият берилиши қонунчиликда белгиланган энг адолатли меъёр эканлигини билдирди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ОАВда чиқишлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берди.

Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев сайлов муносабати билан вилоятларда ташкил этилган матбуот марказларининг ташкилий механизми хусусида гапирди. Кенг жамоатчиликнинг сайлов ҳақида етарли ахборот олишида матбуот марказларининг ўрни катталигини айтиб, уларнинг моддий-техник таъминоти масаласига алоҳида тўхталди. Алоқа воситалари, компьютер, интернет, телевизор ва радио билан жиҳозланишида ёрдам берилишини айтди. Б. Мустафоев бу масаланинг ижобий ечими юзасидан сўз олиб, Марказий сайлов комиссияси матбуот марказларининг зарур техник воситалар ва анжомлар билан таъминланиши учун махсус қарор қабул қилишини билдирди.

***

Шу куни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида нодавлат телерадиостанцияларнинг директорлари ва бош муҳаррирларидан иборат Электрон ОАВ миллий ассоциацияси аъзолари иштирокида ҳам давра суҳбати бўлиб ўтди. Таъкидлаш керак, мамлакатимизда икки палатали парламент сайловининг демократик меъёрлар асосида ўтишини ва мулк шаклидан қатъи назар ОАВнинг кенг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мисол учун, Матбуот марказида уюштирилган ушбу йиғилиш ҳам фикримиз тасдиғи бўла олади. Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоев дастлаб сиёсий партияларнинг, Қонунчилик палатасига номзодларнинг сайловолди фаолиятини молиялаштириш тартиблари ҳақида маълумот берди. Сўнгра уларнинг нодавлат ОАВда чиқиш тартиблари хусусида гапирди.

Мамлакатимизда 2003 йилда ташкил этилган Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг бугунги кунда 60 дан зиёд аъзоси бор. Шу ой бошида эфирга чиқувчи 20дан ортиқ нодавлат телестанция «Ўзбекистон нодавлат телестанциялари телетармоғи» масъулияти чекланган жамиятини таъсис этди. Таъкидлаш керак, сайлов кампанияси илк бора нодавлат телетармоқ орқали ҳам ёритилади. Нодавлат ОАВнинг сайловни холисона ёритишида Матбуот марказининг интернетдаги веб-сайти: www.elections.uz хабарларидан ҳар куни, ҳар соатда фойдаланиши айни муддао эканлиги айтилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари кун тартибидаги теле ва радиоэфирда сайловолди тарғиботини олиб бориш тартиби, сайлов жараёнини ёритиш учун қандай оммавий ахборот технологияларидан фойдаланиши, теле ва радиоэфирда сиёсий дебатлар, сайлов кампаниясини ёритишни молиялаштириш, сиёсий партияларга эфир вақтини ажратиш тартиби, ажратиладиган вақт ҳажми, сайлов жараёни иштирокчиларига ажратилган эфир вақти учун тўлов шартлари, сайлов жараёнида қатнашиш истагини билдирган ОАВ учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартибига оид мавзуларда ҳам фикр алмашдилар.

**Х. ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Комиссия йиғилиши

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда болаларнинг ижтимоий мослашуви муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда уларни оммавий спортга жалб қилишнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги аҳволи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мазкур комиссия ва Хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси вакиллари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари прокурорлари, мазкур ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар раислари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш, вояга етмаганларни спортга жалб этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Кейинги беш йилда қишлоқ шифохоналарини замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашга 200 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Сўнгги икки йилда 87 қишлоқ врачлик пункти барпо этилди, мослаштирилган биноларда жойлашган 671 тиббиёт маскани капитал таъмирдан чиқарилди.

Андижон вилояти ногиронларни соғломлаштириш марказидаги ўринлар сони икки бараварга оширилди, вояга етмаганлар орасида касалланишни камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, болалар ўлимининг камайишига эришилди. Избосқан туманида 500 ўринга эга спорт мажмуи ишга туширилди.

Наманган вилоятида уй шароитида таълим олаётган ногирон болаларга ёрдам кўрсатиш кўлами кенгайди. Кам таъминланган ва ногирон фарзандли оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида Янгиқўрғон туманида ўқув-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

Фарғона вилоятида ўтказилаётган "Энг яхши маҳалла ҳамшираси" танлови оналар ва болаларни соғломлаштириш тадбирларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Олий суд Пленуми

***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди***

Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова бошқарган Пленум мажлисида жиноят ишлари бўйича далиллар мақбуллигига оид қонун нормаларини қўллаш, якка тартибда қурилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўриш, қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти, Олий суд Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг иш фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда далиллар мақбуллигига оид масала муҳокамасида ушбу ҳуқуқий институтнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги муҳим аҳамияти таъкидланиб, ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида жиноят-процессуал қонунида белгиланган исбот қилишнинг умумий қоидаларига қатъий риоя қилинганлигини текшириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Якка тартибда қурилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар судлар томонидан асосан тўғри ҳал қилинаётгани, айни вақтда уй-жой қурилиши ёки сотиш-сотиб олишнинг қонунийлигини аниқлаш, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш, уйдан ҳисса ажратиб бериш (уй-жойни бўлиш) тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда айрим хатоликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам кузатилаётгани қайд этилди. Судларга бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳокамасида судлар бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишда иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текширишни зарурлигига қаратилган қонун талабларига қатъий амал қилишлари кўрсатиб ўтилди.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг иш фаолияти муҳокамасида Пленум мазкур ҳайъат томонидан одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини шакллантириш, қуйи судлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Пленум мажлисида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов, Олий хўжалик суди раиси А.Эшметов, Бош прокурор Р.Қодиров иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга мулк солиғи тўлашдан;

пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш қурилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солиқ тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикада ўз материаллари негизида микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш юзасидан 2004 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда жойлашган, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларига чакана савдони амалга ошириш учун рухсат берувчи гувоҳномалар беришда уларда тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш имконини берувчи терминаллар мавжуд бўлишини назарда тутсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 24 сентябрь.



# Истиқболли корхона

***Хоразм шароитида техника том маънода деҳқоннинг қанотига айланган. Чунки хоразмлик деҳқон ҳосил етиштириш учун бошқа жойлардаги деҳқонлардан кўра 2-3 марта кўпроқ меҳнат қилади. Албатта, бунинг учун техника доим соз бўлиши, шай туриши керак. «Хоразммахсустузатиш» акциядорлик жамияти ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган.***



***Ислоҳот одимлари***

Бундан 3-4 йил илгари айни вегетация даврида ғўза майдонларида ишлаётган тракторлар тез-тез бузилиб, панд бера бошлади. Натижада буюртмачилар сони кўпайди. Уларнинг талабини қондириш учун эса корхонанинг ихтисослаштириш кўламини кенгайтириш, цехлар сонини кўпайтириш, янги дастгоҳлар билан жиҳозлаш талаб этиларди. Корхона жамоаси бундай муаммоларнинг ечимини топишди. Цехлар кенгайтирилди, техник жиҳатдан қайта жиҳозланди. Ишчиларнинг касб маҳорати эса етарли. Лекин уларнинг олдида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етишмаслиги муаммоси ҳам турарди. Ишчилар буларнинг баъзиларини ўзимиз бевосита корхонада тайёрлашимиз мумкин, деган қарорга келдилар. Ҳозирда тракторлар учун 150 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар корхонанинг ўзида тайёрланаяпти. Ҳатто, «Кейс», «Класс», «Магнум» тракторларининг 30 хил турдаги мураккаб эҳтиёт қисмлари шу ерда ишчилар қўли билан яратилмоқда.

Ширкат ва фермер хўжаликлари учун эса янги трактор сотиб олишдан кўра эскисини таъмирлаш анча арзонга тушади. Масалан, битта «Т-28» тракторини 13-14 миллион сўмга сотиб олиш мумкин. Уни тўлиқ таъмирлаш эса 3-4 миллион сўмга тўғри келади. Бунинг устига, тўла таъмирдан чиққан тракторлар далада унумли ишлатилаяпти, панд бермаяпти. Яна бир муҳим томони шундаки, таъмирланган трактор эгаларига бир йиллик кафолат талони ҳам берилмоқда. Унга кўра корхона ҳар қандай носозликни бепул бартараф этишни ўз зиммасига олган.

Акциядорлик жамиятида тракторларни арзон ва сифатли таъмирлашга ҳаракат қилинаётганлиги боис унинг рақобатбардошлиги ортиб бораяпти.

Ҳозир корхонада 200 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача ойлик маоши 61 минг сўмни ташкил этаяпти. Меҳнат рағбат топган жойда, албатта ишлар олға силжийди. Ҳозиргача жами 728 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилиб, 141 миллион сўм соф фойда олинди.

Айтиб ўтиш жоизки, ўтган йили корхона томонидан акциядорларга ҳар бир акция учун 44 минг 900 сўмдан дивидент тўланди. Демак, корхонанинг унумли ишидан акциядорлар ҳам манфаатдор бўлмоқдалар. Бу кўрсаткичлар корхона қаддини тиклаб олганидан, ислоҳотлар ўз самарасини бераётганидан далолат беради. Шубҳасиз, бундай корхонанинг эртаси бор, истиқболи барқарор бўлади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

***Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган танловда "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" номинацияси бўйича Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан Ўктам Қаландаров ғолиб деб топилди. Бу «Меҳнат» маҳалла аҳлини ниҳоятда қувонтирди. Ушбу маҳаллага икки йилдан буён оқсоқоллик қилиб келаётган отахон, рости гап, маҳалладошларининг фахри. Бу ердаги каттаю кичик отахон билан дилдан суҳбатлашиб, зарур маслаҳатлар олишни хуш кўради.***

# МАҲАЛЛАМ ОБОД — КЎНГЛИМ ТИНЧ...

— Маҳаллага оқсоқолликка сайланганимда, тўғриси, бошида бироз чўчигандим, — дейди Ў. Қаландаров. — Мамлакатимизда маҳаллаларга эътибор берилаётган бир пайтда менинг иш фаолиятим кўнгилдагидек кечармикан, ҳукуматимиз қўяётган талабларга муносиб жавоб қайтара олармиканман, деган ўй-хаёл безовта қиларди. Дастлаб одамларнинг кўнглидагини топишга ҳаракат қилдим. Ахир, маҳаллада уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклаша бошладим. Саъй-ҳаракатларим самара берди, чамаси, танлов ғолиби бўлдим. Бунда нафақат менинг, балки маҳалладошларимнинг ҳам ҳиссаси бор.

Очиғини айтганда, маҳалла оқсоқоли, деган номга мушарраф бўлишнинг ўзи бўлмайди. Кўпчиликка бош бўлган одам маҳалла аҳлига чинакамига таянч бўлиши керак. Бу томондан "Меҳнат" маҳалла аҳлининг омади бор. Чунки Ў. Қаландаров тиниб-тинчимайдиган инсон. Бутун умри ҳалол меҳнат билан ўтди. Дастлаб далада ишлади, сўнг мактабда ўқитувчилик қилди. Энди нафақага чиқиб, дам оламан деганида, мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Шунда отахон кичик хусусий ғишт тайёрлаш цехини очди. Ишлар жадал кетгач, цехни фарзандлари қўлига топширди. Сўнг маҳалладошлари уни бир овоздан оқсоқолликка сайлашди.

— Маҳаллам обод — кўнглим тинч, — дейди суҳбатдошимиз. — Хонадонлар томорқаларига, кўчанинг икки тарафига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ҳаммаёқ гулларга бурканган. Шу масканда истиқомат қилаётган тадбиркорларимиз, фермерларимиз ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаётир. Бундан ташқари, яқинда ана шундай кам таъминланган оилаларнинг ўн беш нафарга яқин фарзандларининг суннат тўйини ўтказдик.

Ўтган йиллар мобайнида "Меҳнат" маҳалласининг "Меҳнат" ва Сурхонбоши қишлоқлари тоза ичимлик суви билан таъминланди. CHF халқаро ташкилоти (ЮСАИД маҳалла дастури доирасида) кўмагида аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Ташкилот томонидан кўрсатилган беғараз ёрдам туфайли маҳалланинг табиий газ билан таъминланиши яхшиланди.

Ўктам ота ташаббуси билан маҳалла марказида янги гузар қурилди. Сурхонбоши қишлоғида болалар учун спорт майдончасини қуриш лойиҳаси тайёрланган эди. Ушбу стадионни қисқа фурсатда болалар ихтиёрига топшириш режаланмоқда.

Орамизда меҳнаткаш, уддабурон, бировга яхшилик қилишдан чарчамайдиган инсонлар борки, уларни маҳалла раислигига сайлаган одамлар ҳеч қачон янглишмайди. Ў. Қаландаров эса ана шундай оқсоқоллар сирасига киради.

**Зиёда АШУРОВА.**



# Табиат муаммолари

## унинг ечими янги йўналишдаги мутахассислар зиммасида

Атроф муҳитда, табиатда кечадиган ҳар бир жараён, воқеа-ҳодиса маълум бир қонун-қоидалар асосида рўй беради. Унга билиб-билмай аралашиш тузатиб бўлмас муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир эслайлик, собиқ шўролар даврида табиатни бўйсундириш шиори остида борлиққа жуда катта зарар етказилди. Натижада ўнлаб йилларга етадиган муаммолар келиб чиқди. Улар қаторида Орол фожиаси, Қизилқум, Устюрт каби ҳудудлар катта қисмининг чўлга айланиш жараёнини, бир қатор яйловлар, экин майдонларининг унумдорлиги пасайиб кетганлигини эсга олиш кифоя. Шунингдек, саноат марказлари — Олмалиқ, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарларининг ҳавоси, сув манбалари ифлосланиши кучайиб кетганди.

***Таълим ва экология***

Шу боис мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда энг долзарб муаммолар қаторидан экология масаласи ҳам ўрин олди. Давлат миқёсида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Айни пайтда экологик бўҳронларнинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этишга киришилди. Мамлакатимиз ҳудудида юзага келган экологик ҳолатни тартибга солишда «Экосан», «Оролни қутқариш», «Соғлом авлод учун» каби қатор ташкилотлар, халқаро жамғармалар ташкил этилди.

Албатта, табиатни асраш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бир қатор соҳа мутахассислари — биолог, географ, геолог, муҳандис, иқтисодчиларнинг ҳамкорлигини талаб қилади. Ҳа, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос ўрни бор. Бу борадаги ҳар қандай чора-тадбир маълум бир маблағни талаб этади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, минтақадаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган маблағларни қаерга сарфлаш, унинг иқтисодий-экологик самарадорлигини олдиндан аниқлаш, истиқболини кўра билиш муаммо ечимининг асосий бўғинини ташкил этади. Шу сабабли АҚШ, Англия, Германия, Япония каби ривожланган мамлакатлар университетларида айнан иқтисодчи-эколог мутахассисларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.

Республикамизда ҳам юзага келган экологик вазият ана шу соҳа мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашда долзарб масалага айланган эди. Шу боис Европа ва АҚШдаги қатор нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилишга киришилди. Тез орада Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида Минтақа иқтисодиёти ва экологияси кафедраси ташкил этилиб, мазкур йўналиш бўйича бакалаврлар қабул қилина бошланди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, янги мутахассисликни очишда Англиянинг Трент Ноттенгем университети профессорлари услубий адабиётлар билан ёрдам қилишди. Ўзаро ҳамкорлик туфайли мазкур университетнинг профессорлари 3 йил давомида талабаларимизга, ўқитувчиларга маърузалар ўқишди, маслаҳатлар беришди.

Ҳозирда Марказий Осиёда иқтисодчи-эколог тайёрлайдиган ушбу ягона кафедранинг илк битирувчилари республикамизнинг турли ташкилотларида иш бошлашди. 2004 йилда кафедрада ўқитилаётган 2 та фан бўйича дарслик, 9 та фан бўйича ўқув қўлланмалари чоп этилди. Айни пайтда кафедра табиатни асраш, атроф муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар, давлат идоралари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташда, битирувчиларни иш билан таъминлашда Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, унинг вилоятлардаги бўлинмалари яқиндан ёрдам бераяпти.

Дарҳақиқат, босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида етук мутахассислар тайёрлаш борасида асосий дастуриламал бўлиб келаяпти. Хусусан, минтақавий ва умумбашарий экологик муаммолар ечими ҳам кўп жиҳатдан ушбу соҳа мутахассисларининг салоҳияти, билим ва тажрибасига боғлиқ.

**Қулмамат АБИРҚУЛОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.**

## «Меҳржон» байрами

***Куни кеча пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Меҳржон" байрами ўтказилди. Маълумки, "Наврўз" байрами экин-тикин боши, "Меҳржон" эса ҳосил байрами ҳисобланади. Байрам доирасида "Олтин куз неъматлари" деб номланган савдо-ярмаркаси ҳам ташкил этилди.***

***Шу куни кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар — ногиронларга мурувват совғалари топширилди.***

***Байрам ёш ижрочилар, санъат усталарининг чиқишлари билан кечгача давом этди.***

**М. ТОЖИЕВА.**

## Олимлар совғаси

***— Навоий Давлат педагогика институти олимлари шаҳардаги "Лочин" фуқаролар йиғинига замонавий компьютер совға қилдилар, —дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири.***

***Сайловларга тайёргарлик кўрилаётган ушбу кунларда маҳалланинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга бел боғлаган олимлардан маҳалла аҳли миннатдор.***

# Осойишталигимиз посбонлари

*Озгина эътиборсизлик, теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик эртага жиддий фожиани келтириб чиқариши мумкин. Аслида ҳамма жиноятнинг боши ўша — лоқайдлик!*

*Балиқчи тумани ички ишлар бўлими ходимлари, қай бир ташкилотда бўлмасин, давра суҳбати, савол-жавоб кечалари уюштирмасин, каттаю кичикни огоҳ бўлишга чақиради. Айрим сабаблар боис жиноят кўчасига кириб қолаёзган ёшлар билан суҳбатлашишдан, уларга йўл-йўриқ кўрсатишдан чарчашмайди. Шу боис ҳам туманда жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайган.*

*— Бу ҳар бир ходимимизнинг муваффақияти, қолаверса, маҳаллалардаги 250 нафар сардорлар ишининг тўғри ташкил этилганлиги, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз натижасидир, — дейди туман ички ишлар бўлими ходими, ёшлар устози Сирожиддин Тожибоев.*




**СУРАТДА: Сирожиддин Тожибоев маҳалла аҳли даврасида.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

***Москвада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ва Россиянинг "Домодедово" халқаро аэропорти ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***




# «Домодедово»га хуш келибсиз

У шу йил 31 октябрдан Ўзбекистон самолётларининг икки мамлакат пойтахтлари ўртасида "Домодедово" аэропорти орқали амалга оширилажак авиарейслари мавзусига бағишланди.

Шу пайтгача Тошкентдан парвоз қилган самолётларга "Шереметьево-1" аэропортида хизмат кўрсатилар, "Домодедово"да эса Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Андижондан учиб келадиган лайнерлар қабул қилинар эди. Энди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси томонидан "Домодедово"га амалга оширилаётган рейсларнинг умумий сони ҳафтасига 15 тага етади.

Матбуот анжуманида Миллий авиакомпания техника паркининг замонавий самолётлар билан таъминланиш даражаси ўсиб бораётгани қайд этилди. Шу йилнинг охиригача ўзбек авиаторларининг яна битта "Боинг-767" ва учта "Боинг-757" самолётларини қабул қилиб олиши кутилаяпти. Бу эса халқаро парвозлар кўламини кенгайтириш билан бир қаторда хизмат кўрсатиш савиясини ҳам оширишга хизмат қилади.

Сўнгги пайтларда "Домодедово"нинг юқори технологик воситалар билан жиҳозлангани ва йўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратилгани мамлакатимиз авиаторлари томонидан айнан ушбу аэропортнинг танланишида муҳим омил бўлди. Халқаро терроризм хавфи глобал муаммога айланган бугунги кунда хавфсизлик масаласининг долзарблиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис "Домодедово" аэропортида йўловчилар ва парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мукаммал тизим жорий этилган.

**Музаффар ЗОҲИДОВ,**
**"Жаҳон" АА.**
Москва.

## Продининг фикрича...

**Лавозимини тарк этаётган Еврокомиссия раиси Романо Проди ЕИ конституциясининг иттифоққа кирувчи айрим давлатлар томонидан қабул қилинмаслиги Европанинг сиёсий бирлашиш режасини йўққа чиқаради, деган фикр билдирди.**

**Унинг айтишича, агар конституцияни битта давлат қабул қилмаса, бунинг йўлини топиш мумкин. Лекин уни бир неча давлат маъқулламаса, унда Европанинг сиёсий лойиҳаси учун ҳақиқий фожиа бўлади.**

## Миллиардерларнинг янги рўйхати




Машҳур «Форбс»(«Forbes») журнали дунёдаги энг бой бадавлат шахсларнинг навбатдаги рўйхатини эълон қилди.

Мана 11 йилдирки, Microsoft корпорацияси раҳбари Билл Гейтс биринчи ўринни қўлдан бермаяпти. Унинг ҳисобида 48 миллиард доллар бойлик мавжуд. Иккинчи ўринни дунёдаги энг йирик сармоядорлардан бири Уоррен Баффет (41 миллиард), учинчи ўринни эса Microsoftнинг асосчиларидан бири, Гейтснинг дўсти Пол Аллен банд этиб турибди.

## ЮНЕСКО фаолиятини кучайтирмоқчи

**Мазкур халқаро ташкилот Чеченистонда таълим тизимини тиклаш борасидаги дастур доирасида фаолиятини кучайтиради. Бу ҳақда ЮНЕСКО Бош директори Коитиро Мацууро маълум қилди.**

**"РИА-Новости" агентлигининг хабарига қараганда, Бош директор мазкур дастур Россия томонининг илтимосига биноан амалга оширилаётганини ҳам қайд этди.**

## Париж автосалони иш бошлайди



Бугун Франция пойтахтида "Mondial de l"Automobile—2004" халқаро автосалони очилади. Мазкур автосалон дунёдаги энг йирик ва узоқ тарихга эга бўлиб, у ҳар жуфт йилда ўтказилади.

Бу йил автосалонда 26 та давлатдан 480 та иштирокчи ўз маҳсулотларини намойиш этади. Шунингдек, салонда 60 янги модел илк бор омма эътиборига ҳавола қилинади.



Айёд Алавий:

## «Ироқликлар америкаликлардан миннатдор»

Ироқ Бош вазири Айёд Алавийнинг АҚШга ташрифи бўлиб ўтди. Сафар давомида Алавий АҚШ Конгрессида маъруза қилди.

Америкалик сенаторлар ва Конгресснинг вакиллар палатаси аъзолари олдидаги нутқида Айёд Алавий Ироқ озодлик ва демократия сари муваффақиятли қадам ташлаётганини билдирди. У мамлакатда юзага келган вазият ва сўнгги пайтларда рўй бераётган нохуш ҳодисалар, хусусан, шу ҳафтада гаровга олинган икки нафар америкаликнинг ўлдирилишига қарамай, Ироқ терроризм устидан ғалаба қозонишдаги ниятида қатъий эканини айтди.

— Бизнинг ишимизга ўзингизникидек ёндошганларингиз учун сизларга ташаккур, — деди Ироқ Бош вазири. — Ироқликлар Саддам Ҳусайн режимини қулатишда америкалик ҳарбийлар кўрсатган жасорат учун сизлардан миннатдор.

Шунингдек, Алавий ироқликлар, албатта, тўлиқ ғалаба қозонишларини айтиб, бу борада америкаликлар ҳам қараб турмаслигига умид билдирди.

Ироқ ҳукумати раҳбари мамлакатда келгуси йилнинг январь ойига режалаштирилган сайловлар ўз вақтида ўтишини таъкидлади. Чунки бу ироқликлар хоҳиши, деди у.

А. Алавий мамлакат президенти Жорж Буш билан учрашди. Учрашув тугагач улар биргаликда матбуот анжумани ўтказдилар.

Анжуманда АҚШ президенти Ироқда январга режалаштирилган сайловлар яқинлашгани сари мамлакатда вазият кескинлашиши мумкинлигини билдирди.

Жорж Бушнинг айтишича, АҚШ Ироқда халқаро террорчилик ташкилотларининг бир бўғини бўлган исёнчилар билан курашиш мақсадида қолади.

"Агар биз Ироқда террорчиларга қарши курашни тўхтатсак, уларда бошқа жойларда, хусусан, АҚШ ва бошқа озод мамлакатларда қўпорувчиликни режалаштириш ва амалга ошириш имконияти пайдо бўлади", деди Америка президенти.

Матбуот анжуманида Ироққа қўшимча америкалик ҳарбийлар гуруҳи юборилиши масаласи ҳам кўтарилди. Айёд бунга ҳожат йўқлиги, аксинча, ироқликлар самарали хавфсизлик кучлари яратишини айтди.

Кузатувчилар Алавий Америкага президент сайлови жараёни айни авжига чиққан паллада келганини қайд этишди.

Жорж Буш Алавий америкаликларга Ироқдаги ижобий ўзгаришлар ҳақида тасаввур туғдиришига умид билдирмоқда.

**Салим ДОНИЁРОВ.**




## Ўзга сайёралардан садо

**Беркли университети(Калифорния, АҚШ)нинг Миллий астрономия ва ионосфера Маркази олимлари худди шундай шов-шувли маълумотни эълон қилдилар. Олимларнинг New Scientist журналига берган маълумотида айтилишича, SHGb02+12a деб ном берилган бу сигнал Пуэрто-Рикога ўрнатилган Arecibo радиотелескопи ёрдамида қабул қилинди.**

**Бу радиотелескоп SETI@home лойиҳаси доирасида 2003 йил 18 мартда ўрнатилган бўлиб, у коинотнинг сўнгги пайтларда анча шубҳали сигналлар келаётган томони — Балиқ ва Қўй буржидаги юлдузлар тўпламига қаратилганди. Олимлар, шубҳасиз, сунъий равишда жўнатилган деб таъкидлаётган SHGb02+12a сигнали қаторасига 3 марта қайд этилди.**

**Беркли университети астрономи доктор Дэн Вертимернинг айтишича, *«бу SETI@home лойиҳаси тарихидаги энг қизиқарли сигналдир. Тўғри, бу сигнал чуқур таҳлил қилиш имкониятини бермаяпти, аммо биз уни кузатишда давом этамиз.»***

## Муаммо ечимини топса...



Шимолий альянс Бош котиби Яап де Хооп Схеффер ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот Днестрбўйи масаласи иложи борича тезроқ ҳал этилиши тарафдори эканини маълум қилди.

— НАТО Днестрбўйи муаммосини ҳал этишда тўғридан-тўғри роль ўйнамайди, аммо масаланинг адолатли ва барқарор ечимининг топилишини жуда хоҳлайди, — деди Схеффер Кишинёвга қилган сафари якунларига бағишланган матбуот анжуманида.

НАТО Бош котиби айни пайтда муаммони ечиш учун олиб борилаётган музокаралар самарасизлигини билдириб, мазкур жараёнга АҚШ ва Европа Иттифоқи ҳам қўшилишини таклиф қилди.

Молдова ташқи ишлар вазири Андрей Стратан НАТО улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлаб, Молдова бундан фойдаланишга ҳаракат қилади, деди.

Шу билан бирга, у НАТО ҳам россиялик ҳарбийларнинг Днестрбўйидан олиб чиқилиши тарафдори эканини қайд этди.

Андрей Стратан Молдова НАТО билан фақат "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасидагина муносабат қилаётганини таъкидлади. Яна вазир Шимолий альянс мана шу дастур доирасида Днестрбўйи муаммосини ҳал этишда кўмак беришини билдирди.

Айни пайтда Днестрбўйида 1500 нафар россиялик ҳарбий бор. Уларнинг кўпчилиги Молдова — Днестрбўйи — Россия тинчликпарвар кучлари таркибида хизмат қилишмоқда.

Шунингдек, ҳозирча Россия томони НАТО Бош котибининг фикрига ўз муносабатини билдиргани йўқ.



# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Газета ходими ҳибсга олинди

Хитойда давлат сирини чет эл фуқароси томонидан ошкор қилиниши айби билан The New York Times газетаси ходими Жао Ян ҳибсга олинди. У газета журналистларига мамлакатнинг собиқ президенти Цзян Цземиннинг истеъфога чиқиши ҳақидаги режани ошкор қилганликда айбланяпти. Гап Timesда чоп этилган Цзян Цземиннинг Хитой армияси олий қўмондонлиги лавозимидан кетмоқчи эканлиги борасидаги мақола ҳақида бормоқда.

Одатда Хитойда хорижий журналистлар маҳаллий фуқароларни ўз ёрдамчилари сифатида ишга ёллайди. Бу фуқаролар фақат матбуот мониторингини амалга ошириш ва ахборот тўплаш билан шуғулланиши мумкин, бироқ бевосита журналистлик фаолияти тақиқланган. The New York Times газетаси таҳририяти ушбу воқеа ҳақида Оқ уйга ва АҚШ давлат департаментига хабар берди. Қўшма Штатлар ҳукумати вакиллари яқин орада бу масалани Хитой ҳукумати билан муҳокама қилишга ваъда бермоқда.

## Судан инқирози

***Дунё жамоатчилигининг эътибори бу ҳафта яна Африка қитъасига қаратилди. Судан давлатида ўтган йилнинг февраль ойида бошланган қонли можаролар сўнгги кунларда яна авж олди. Судан ҳукумати томонидан қуролланган «Жаниамид» араб гуруҳи иштирокида амалга оширилаётган ноқонуний миллий сиёсат натижасида жуда ёмон оқибатларни келтириб чиқараётган қуролли тўқнашув бошланиб кетган эди.***

Бу тўқнашувлар Судан ғарбидаги Дарфур музофотида ҳукумат томонидан юборилган ва араб миллатига мансуб ҳарбийлардан ташкил топган «Жаниамид» гуруҳига қарши қора танли туб аҳоли вакилларидан иборат қуролли гуруҳнинг кўтарилиб чиқиши оқибатида юзага келди.

Бу ҳақда Нигерия президенти, Африка Иттифоқи раиси Олусегун Обасанё Нигерия пойтахти Абужада бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилди. Обасанёнинг айтишича, у Дарфурда бўлаётган тартибсизлик ва камситишларга чек қўйишни сўраб Судан президенти Умар Ҳасан ал-Баширга хат юборган. Мазкур можаро илгарироқ халқаро ҳамжамиятнинг келишувига мувофиқ ҳал этилганди. Бу келишувга кўра, Судан ҳукумати босқинчиликни бас қилиши, исёнчи қора танли гуруҳлар эса ўз қуролларини ҳукуматга топшириши лозим эди. Бироқ Судан ҳукумати ва «Жаниамид» гуруҳи томонидан яна ҳужумлар уюштирилди ва 6 та қишлоқ аҳолисидан 75 нафар одам ҳалок бўлди. Шундан сўнг ҳукуматга қаршилик қилаётганлар гуруҳи тинчлик музокараларини давом эттиришдан бош тортди.

Гарчи Судан ҳукумати ўз ҳарбий ҳаракатларининг қонуний эканлигини таъкидлаётган бўлса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби Кофи Аннан томонидан бу воқеалар геноцид (*яъни, муайян миллат ёки этник бирликни йўқ қилишга қаратилган ҳарбий қирғин*) дея баҳоланди. Дарфурга махсус юборилган БМТ вакили Ян Пронк ташкилот Хавфсизлик Кенгашига ёзган ҳисоботида Судан ҳукумати халқаро ҳамжамият талабларини қўпол равишда бузаётганини қайд этган. БМТ вакилининг махсус маслаҳатчиси Денис Макнамара эса «Жаниамид» араб милицияси ҳарбийлари босқинчиликлар пайтида туб аҳолидан айрим аёлларнинг номусига текканлигини тасдиқловчи маълумотларни берган.

Судан ҳукумати зиммасига қирғинларни тўхтатиш ва «Жаниамид» араб милициясининг фаолиятини чеклаш вазифаси юкланган эди. Суданга берилган муддат тугади ва энди БМТ томонидан янги резолюция қабул қилинади. АҚШ томонидан тайёрланган ушбу резолюцияга мувофиқ, Судан ҳукуматига қирғин ва геноцидни зудлик билан тўхтатиш; «Жаниамид» милициясини қуролсизлантириш; халқаро инсонпарвар ташкилотлар вакилларининг фаолиятини таъминлаш; можарони демократик усулда ҳал этиш учун тинчлик музокараларини қайта тиклаш каби шартлар қўйилади. Бу шартлар бажарилмаса, Суданга иқтисодий жазо чоралари қўлланилади. Бу жазо чоралари, жумладан, мазкур мамлакатнинг нефть экспорт қилиш соҳасига ҳам дахлдор. Нефть эса Суданнинг асосий даромад манбаидир. Резолюцияда, шунингдек, Африка Иттифоқи ва БМТнинг Судандаги тинчликпарвар кучлари сонини кескин ошириш, ижтимоий-гуманитар ёрдам миқдорини кўпайтириш ҳам назарда тутилган. БМТ Бош котиби ўринбосари Ян Эгеланд халқаро ҳамжамиятни Судан инқирози оқибатларини бартараф этиш учун 115 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатишга чақирди. Бу ёрдам жабрдийда аҳолига озиқ-овқат, дори-дармонлар етказиш ва уларни турар-жой билан таъминлаш учун сарфланади.

Айни пайтда кўпчиликнинг назаридан четда қолиб келаётган бу инқироз аслида минглаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаётини издан чиқарди. Турли манбаларга кўра, ушбу можаролар бошлангандан буён (2003 йил февраль) тўқнашувларда 50 мингдан зиёд инсон ҳалок бўлган, 1 миллиондан ортиқ суданликлар ўз ватанларини ташлаб чиқиб кетишга ва қочоқ сифатида Чад чўлларидан паноҳ излашга мажбур бўлди.

*«Халқаро ҳамжамият Судан инқирозини қатъий ҳал қилиши керак. Ҳал қилганда ҳам зудлик билан ҳал қилиши шарт»*. Бу БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг сўзларидир.

**Ботиржон ҒОФУРОВ.**

ПОЛЬША МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ
ПОЛЬСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА
ЭТО ПОЛЬША
г. Ташкент, 5 — 8 октября 2004 года
УЗЭКСПОЦЕНТР, ул. Амира Темура, 107.



Патронат выставки: Министерство экономики и труда Республики Польша
Партнер: УВЦ Узэкспоцентр
Организатор: Фонд «ЭТО ПОЛЬША»
Время работы выставки:
5.10.2004 г. – с 11.00 до 17.00.
6-7.10.2004 г. – с 10.00 до 17.00.
8.10.2004 г. – с 10.00 до 17.00.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

«ЎЗДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

1. Олтинсой тумани Олтинсой ширкат хўжалигидаги 750/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежининг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши.

*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 912 кун.*
*Барча иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*
*Буюртмачи — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.*
*Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.*
*Телефонлар: 2-49-71, 2-49-80, 2-49-77, факс: 2-49-75.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

*Термиз ш., А.Темур к., 69-уй.*
*Тел./факс: (8-37622) 2-75-01 ф., 2-75-04.*

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

*Таклифлар (офферталар) савдо ташкилотчиси томонидан оферталарни очиш куни ва вақтигача юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А. Бакуменко кўчаси, 5-уй.*

«БИЗНЕС БАНК» ЯНГИЧА ҚУЛАЙЛИК, ЯНГИЧА ИМКОНИЯТЛАР

Ушбу ҳафтада «Бизнес банк» Тошкентда «Қўйлиқ» деб номланган янги чакана хизматлар кўрсатиш марказини очди. У Фарғона йўли кўчасида, Қўйлиқ бозори яқинида жойлашган бўлиб, йирик турар-жой мавзеси марказидаги янги офисда иш бошлади.

Аслида, мижозлар тасаввуридаги «марказ» сўзи аҳоли талабларини қондиришга қаратилган хизмат кўрсатиш мажмуасини англатади. Шу маънода янги банк маркази мижозларнинг барча талабларига тўла мос келади.

Чакана хизматлар маркази, бу аввало, ҳар қандай манфаатдор киши келиб, мутахассислар тили билан айтганда, аниқ молиявий маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган жойдир. Энг муҳими, бу хизматларнинг барчаси битта ва айнан ўша жойда амалга оширилади. Шу боисдан бу аҳоли учун молиявий хизмат кўрсатишнинг истиқболли шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда мижозлар учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган алмаштириш пункти мавжуд. Мазкур жойда сиз пулни алмаштиришингиз, банк узатмасини бажаришингиз ва валюта олиб чиқиб кетишга рухсатнома олишингиз мумкин.

Марказда сиз «Western Union» тизими бўйича нақд пул маблағларини жўнатишингиз ёки олишингиз мумкин. Шунингдек, банкда бутун дунёда тўловга қабул қилинадиган «American Express» йўл чекларини сотиб олиш ёки сотиш имконияти яратилган. Йўл чеклари худди пластик карточкалар каби бутун дунёда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш воситаси ҳисобланади. Улар хорижий сафарлардагина асқотибгина қолмай, ёнингизда кўп миқдорда нақд пул олиб юрмаслик учун ҳам жуда қулай ва хавфсиздир. Бу чекларнинг қоғоз пулдан фарқи шундаки, уларни йўқотиб қўйиш қўрқинчли эмас. Мабодо йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйилса ҳам, хавотирли жойи йўқ. Чунки, чекларни тўлиқ ва тез муддатда қайта тиклаш мумкин. Айни пайтда, пулларингиз ҳисоб рақамингизда тўлиқ сақланиб қолади.

Бундан ташқари, «Қўйлиқ» чакана хизматлар марказида сиз ҳар доим «VISA», «Master Card» ва «Maestro» пластик карточкалари билан нақд хорижий валюта АҚШ долларини олишингиз мумкин.

Янги марказимизда биз «Exspress» номли Бизнес банкнинг сўмли карточкаларини тайёрлаймиз ва хизмат кўрсатамиз. У товарлар ва хизматлар учун нақд ҳисоб-китобсиз тўловларнинг энг қулай усулларидан биридир. Бизнес банкнинг қолган бешта марказидаги каби «Қўйлиқ» марказида ҳам аҳоли учун омонат кассалари ишлаб турибди. Бу аҳоли учун ҳам сўмда, ҳам хорижий валютада пул омонатларини таъминловчи зарур хизмат туридир.

«Марказ» очилиши туфайли бу ерда энди коммунал хизмати тўловлари борасида ҳеч бир муаммо туғилмайди. Буни улар тез ва ўз вақтида амалга оширадилар. Айни пайтда бу хизмат турлари бизда нисбатан арзонга тушади.

Мазкур марказни очишдан асосий мақсад — кишиларнинг қимматли вақтини тежаш. Улар энди узоққа бориб юришмайди. Ўз туманларида банкимиз хизматидан баҳраманд бўлишади.

Биринчи бўлиб пойтахтдаги чакана хизмат кўрсатиш марказларининг очилиши республикамиз аҳолиси учун банк хизмати турлари тўпланган ўзига хос молиявий супермаркет ҳисобланади. Эндиликда шаҳарнинг турли туманларида ҳам худди шундай марказлар очишни режалаштирилган. Жумладан, яқин орада банкнинг Яккасарой филиалини очиш биринчи ўриндаги вазифамиз бўлиб турибди. Бизнинг устувор йўналишимиз сервис хизматини такомиллаштириш, банк ҳамда бошқа хизмат турларини кенгайтиришдан иборат.

Сизларни қуйидаги чакана хизмат кўрсатиш марказларимизда кутамиз:
«Қўйлиқ» Фарғона йўли кўчаси, 2-уй, 2-хонадон.
«Исторический» Матбуотчилар кўчаси, 48-уй. Тел: 132-08-87.
«Қатортол» Меҳр кўчаси, 15-уй. Тел. 173-09-04.
«Художественний» Сайрам кўчаси, 43-уй. 162-70-33.
«Риштон» Олмазор мавзеси, 8/1. Тел. 120-55-95.
«Юнусобод» Юнусобод мавзеси, 2-квартал. Тел. 121-70-33.

Сизни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефон орқали жавоб олишингиз мумкин: 120-50-30

«Бизнес банк» энг яхши анъаналар йўлида сиз билан ҳамиша бирга!

BUSINESS BANK

Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонида жойлашган, биринчи бўлиб очилган «Исторический», чакана хизматлар кўрсатиш маркази янги иш тартибига ўтказилди!

«Исторический» чакана хизматлар кўрсатиш маркази дам олиш ва байрам кунлари ҳам сизга энг яхши анъаналарда хизмат кўрсатишга тайёр!

*Яқинда қўлимга “Мақомот” номли бир китоб тушиб қолди. Китоб муаллифи — Отаназар Матёқубов.*

*Шу ўринда мен бир нарсага урғу қилган бўлардим. Кейинги бир неча йиллар ичида ўзбек санъаткорларининг Оврўпо ва Американинг йирик шаҳарларига бориб, концертлар бераётганини ва мисли кўрилмаган олқишларга сазовор бўлиб, юксак дидли томошабинларда катта таассурот уйғотаётгани ҳақида хабарлар эшитамиз ва ўқиймиз. Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам шўролар даврида “мунгли”, “йиғлоқи” деб баҳоланган ўзбек мусиқаси ва ашулачилик санъати бугун шахдам қадамлар билан юқори дидли дунё томошабинларини ўзига жалб қилаяпти ва таҳсинларига сазовор бўлаяпти.*



# ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН МАҚОМ

Шундай бир ҳолатда, яъни миллий мусиқамиз дунё бўйлаб қадам ташлаётган ва қадрланаётган бир даврда бу соҳага тегишли кенг кўламли назарий режадаги илмий тадқиқотнинг, яъни “Мақомот”нинг тақдим қилиниши маданий ҳаётимизда айни муддаодир.

Дарҳақиқат, ўзбек миллий мусиқамизнинг негизи мақом эканлиги маълум. Бироқ мақом бир йўналишдаги маданий мерос эмас. Маълумки, Ўрта Осиёда битта эмас, бир неча маданий марказлар равнақ топган. Шунга монанд мақом ҳам бир неча йўналишда тараққий этган. Манбаларда асосан доим учта йўналиш тилга олинади. Бухоро Шашмақоми, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Хоразм мақомлари – шуларнинг ҳаммаси бирлаштирилиб, китобнинг “Мақомот” деб аталиши табиий эканлигини англаймиз.

Академик Юнус Ражабий 50 йилдан кўпроқ умрини мақомлар тадқиқотига бағишлаган. Шу давр ичида у бунгача ҳеч ким қилолмаган ишларни битказа олган. Бу улуғ зот мақомлар ҳақида 12 жилдлик мерос қолдирди. Гап ҳажмда эмас, албатта. Бироқ бутун умрини ушбу мавзу таҳлилига бағишлаб, ҳам амалда ўзи ижрочи бўла туриб, бунинг устига, атрофдагиларга таъсир ўтказиб, кўпдан-кўп шогирдлар тайёрлаб, мавҳумиятдан иборат бўлган мавзунинг кўп жиҳатларига аниқлик киритиб, унга тегишли муаммоларни тартибга солиб, бир бутун мактаб яратиш осон иш эмаслиги маълум.

Гапираверадиган бўлсак, Ю. Ражабийнинг мақомлар ҳақидаги тадқиқотларининг қирралари кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим. Бироқ “Мақомот”нинг муаллифи Ю. Ражабий ишларига тегишли бир қиррасини алоҳида қайд қиладики, шунинг ўзи ҳам тадқиқотчи аллома, ҳофиз ва бастакорнинг қай даражада улуғлигидан дарак бериб турибди. У киши мақом ва шеъриятни бир-бирига мустаҳкам боғлай олди. Отаназар таъкидлаганидек, барча мақомларни ўзига мос тушадиган шеърият билан таъмин қилди. Илмий ишларда қайд қилинганидек, фақат биргина мана шу қирра йўлида қилган тадқиқотлари учун Юнус Ражабий алоҳида эъзозлидир. Зотан, “Мақомот”нинг муаллифи Отаназар Матёқубов ҳали ёш тадқиқотчи пайтларида Юнус Ражабий мактабини ўтаган, у билан бевосита ҳамкорлик қилган.

Илмий адабиётлардан маълумки, ҳар бир замон мақомлар муаммосига ўз муносабатини билдириб келган. XX аср бошларини уйғониш даври деб атайдилар. Бу даврнинг катта илмдони Абдурауф Фитрат мақомлар ҳақида қимматли фикрларини айтиб кетган. Фитрат ўзбек мумтоз мусиқасини, демак, мақомларни, ҳинд, араб ва форс мумтоз мусиқалари билан баробар қўйиб, таҳлил қилган. Шу билан бирга, ўзбек музикаси хусусидаги бир фикрни “Мақомот” муаллифи алоҳида таъкидлайди. Мана, Фитратнинг ўша фикри: “Шарқнинг қайғусинда виқор, виқоринда ҳасрат борлиғини бизга мусиқийси англатадир”. Бутун бир халқнинг катта меросига тегишли бундай сўзларни Фитрат сингари беқиёс ватанпарвар ва чексиз илмдон шахсларгина айтиши мумкин.

Ўзбек классик мусиқасига, яъни мақомларга ҳеч вақт беписанд қаралган эмас. Ўрта Осиёда жамият таназзулга учраган XVII-XVIII асрларда ҳам. Яқин ўтмиш — 3-4 аср, одатда, тарихимиздаги тушкунлик даври деб аталади. Бу фикрда ҳақиқат бор, албатта. Бироқ халқ дилига, унинг кайфияти-ю кечинмаларига эш ўзбек музикаси четга суриб қўйилган эмас.

Маълумки, кейинги асрларда, хусусан, Ўрта Осиёда мавжуд хонликлар саройи атрофида ўзбек адабиёти, жумладан, шеърият анчагина тараққий этган. Бу тараққиётнинг Алишер Навоий ижоди анъаналарининг давоми эканини биз яхши биламиз. Шундай экан, мазкур ҳудудларда, шеърият билан мусиқа баробарига тараққий этди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, XVII-XVIII асрлардаги шоирлар ижоди ўрганилган, махсус тазкиралар битилган. Қўқон ҳудудида ижод қилган, нафис шеърлар битган қатор шоирлар хаёлимиздан ўтади. Борди-ю, санайдиган бўлсак, рўйхатнинг бошида Мирзо Бобуру Машраблар туради. Кейинроққа ўтадиган бўлсак, Нодирабегим ва Амирийлар яратган шеърлар хаёлимизга келади. Муқимий ва Фурқатларнинг ўрни эса ўзгача. Рўйхатни Ҳамза-ю Чўлпонлар билан якунлаш мумкин. Бу ижодкорларнинг шеърлари бир-биридан нафис, бири иккинчисидан завқли ва шавқлидир. Буларсиз Худойберди устоз, Садирхон ҳофиз, Мулла Тўйчи, Беркимбой Файзиев, Жўрахон Султонов сингари етук ва машҳур, халқ севиб эшитадиган овозларнинг пайдо бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин бўлур эди. “Мақомот”да бу мактабнинг ўзига хос хислатларига ҳам ишора қилинади. Муаллифнинг эътирофича, Фарғона мактабига тегишли ҳофизларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг овози илк сатрлардан бошлаб охиригача юрак фарёди сифатида жаранглайди. Баъзан “Катта ашула” деб ишлатиладиган атама ҳам шу юрак фарёди билан боғлиқдир.

Кўп жиҳатдан Хоразм санъати тараққиёти йўллари Фарғона мактабига ўхшаб кетади. Бу ерда ҳам ўзбек адабиётини янги босқичга олиб чиққан шоирлар ижод қилган. “Муҳаббатнома”дан (XIII аср) бошланган шеърият дунёси Мунис Хоразмий, Комил Хоразмийлар ижоди билан давом қилади. Гап Огаҳийга келадиган бўлса, адабиётшуносликда ягона бир фикр бор. Огаҳийни Навоийдан кейинги энг йирик, нафис ва энг маҳсулдор шоир дейишади. Бу иборани биринчи бор Ғафур Ғулом тилга олган эди.

Қўқон мактаби билан Хоразм мактабининг бир-бирига яқинлигини тасдиқлайдиган бошқа бир далил ҳам бор: Қўқонда адабиёт ва санъат ишларини узоқ вақтлар бу ҳудуд ҳукмдори Амир Умархон, Хоразмда эса Муҳаммад Раҳимхон Феруз бошқарган. Улар фақат бошқарувчигина эмас, балки ўзлари дилбар шоир бўлганлар. Шу маънода, худди Фарғона водийсида бўлганидек, қўшиқчилик санъатини бу ҳудудда қалам тебратган шоирларнинг ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Шерозий, Муғанний, Ҳожихон Болтаев ва Комилжонлар узоқ ўтмишдаги Навоий, Бобур, Фузулийлардан ташқари шу ҳудуднинг ўзида етишиб қалам тебратган шоирлар ижодидан баҳраманд бўлганлар. Муаллиф бу боғланишларни алоҳида қайд қилар экан, шу билан баробар Хоразм ҳофизларига хос мардонавор наъра, ўрни келганда нафис оҳангдорлик, ижродаги бетакрор ички салоҳиятни ўринли таъкидлайди.

Мақом санъатининг яна бир макони бор. Биз Бухорони назарда тутаяпмиз. Бу ернинг шеърияти ва овози ҳақида ҳам “Мақомот”да анча фикрлар айтилган. Маълумки, Бухоро Октябрь тўнтаришигача бўлган бир неча аср давомида улкан илм ва маърифат маркази бўлган. Кўпгина мусулмон оламидан илми толиблар бу ерга талпинганлар, маърифатдан баҳраманд бўлиб, ўзларини бахтли ҳисоблаганлар. Шунга яраша бу ерда ўзига хос мумтоз шеърият мактаби ҳам яратилган. Махсус мажмуалар тузилган. Бироз чекиниш бўлса ҳам қўшиб кетадиган гапим бор. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирлари Иссиққўлга дам олишга бориб, 80 ёшлардаги кекса бир қирғизнинг уйида меҳмон бўлганман. Уйнинг эгаси бўлмиш ўша кекса қирғиз менинг Ўзбекистондан эканлигимни назарда тутиб, қуйидаги сўзларни айтгани эсимда юради: “Биз, яъни қирғизлар учун ўзбек эли, хусусан, Бухоро иккинчи Каъба. Ёшлигимда бир неча бор от-эшаклардан фойдаланиб, Бухорони зиёрат қилгани борганман. Ҳар гал у ерда мириқиб ашулалар эшитганман. Бухорога бориб келиш менинг учун катта бахт эди ўша пайтлар. Ҳозир кексайдим, боришим мушкул бўлиб қолди”. Газетхон дўстларим англаб олган бўлсалар керак, бу биттагина кекса қирғизнинг гапи эмас. 80-йилларнинг охирларида Чингиз Айтматов ҳам шу хилдаги фикрни собиқ иттифоқ матбуотида эълон қилган эди. У шундоқ деганди: “Биз — Ўрта Осиё халқлари учун Ўзбекистон бамисоли Қадимий Византия. Халқ ўша томон интилган, зиёрат қилган, кўп ибратли нарсаларни ўрганиб қайтган!”

Шу ўринда алоҳида қайд қилиш керак бўлган яна бир масала бор. Бу нота яратиш масаласидир. Одатда мақомчилар нотага қараб ижро этишмайди. Бироқ масаланинг илдизига назар ташласак, Феруз ва Огаҳийлар даврида мақомчиларнинг йирик вакилларидан бири — шоир ва мутафаккир Комил Хоразмий мақомнинг баъзи нусхаларини ўзига хос шарқона чизгилар орқали ифодалаган. Маълум бўлишича, бу иш ҳам Ферузнинг махсус буйруғи асосида қилинган. Афсуски, ҳанузгача бу масалалар чуқурроқ ўрганилган эмас.

Кейинги йилларда, тахминан 10 йиллар аввал, муҳим бир ҳужжат қўлга киритилди. Гап “Танбур чизғилари” деб аталган катта ҳажмдаги, кейинчалик “Мақом ноталари” деб ном олган қўлёзма ҳақида кетаяпти. Бу ишнинг муаллифи – Муҳаммад Юсуф Баёнийдир. Бундан уч йил муқаддам танбур чизғиининг энг янги нусхаси мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовга маълум қилинганда, қадрият масалаларини алоҳида ташаббус билан кўтараётган раҳбар сифатида мамнуният билан қабул қилдилар. Ушбу топилманинг қай даражада муҳим эканлигини қайд қилиб, бу хилдаги ишларни чуқур тадқиқ қилиш зарурлигини билдирдилар. Шу мақсадда ноёб хазинани тантанали равишда янги барпо этилган миллий консерватория раҳбариятига топширдилар. Бу қўлёзмани чуқур ўрганиб, нашрга тайёрлаш консерватория мутахассислари олдида турган вазифалардан биридир.

Тадқиқотда мақом ва тил масалалари таҳлили ҳам диққатга сазовор. Ўтмишда, хусусан, шўролар даврининг бошланиш пайтларида ижод ва илм аҳллари аруз ҳақида баҳс юритиб, бу шеърий тизим туркий тилларга, жумладан, ўзбек тилига ётдир, деган фикрлар айтилган. Кейинчалик бу хилдаги ноилмий фикрлар 40-йилларнинг охирларида “Звезда” ва “Ленинград” журналлари машмашаларида ҳам бир қадар тилга олинди. Бироқ Фитрат, Чўлпон, Қодирий, кейинчалик Ғафур Ғулом, Ойбек, Иззат Султон сингари ижодкор ва алломалар бундай қарашнинг хато ва илмий ҳақиқатдан узоқ эканлигини исбот қилиб бердилар. “Мақомот” муаллифи шу маънода ўзбек тилининг қай даражада арузга мос тушиши ва мақом нуқтаи назаридан бу тилнинг имкониятлари бой эканлигини исбот қилиб бера олди.

Машойихларнинг фикрича, Жалолиддин Румий ўз маснавийларини куйга солиб айтар ва бу куйни рақс жилолари билан тўлдириб борар экан. Бундан шундай хулоса чиқадики, фақат Шарқ мусиқаси эмас, унинг рақслари ҳам ислом эътиқодларининг тараққиётидан узоқда бўлмаган. Бугун ҳам инсон маънавиятига тегишли бу икки йўналиш бирбирини қўллайди ва қувватлайди.

Шу билан бирга, шуни айтишимиз керакки, мақом камолоти фақат ислом динининг тараққиёти билангина боғлиқ эмас, балки тарихан ундан олдинги даврларга бориб тақалади. Мазкур фикр «Мақомот» китобида қуйидагича ифодаланади: “Ислом зуҳуридан олдин Ўрта Осиё халқларининг мусиқа истилоҳида мумтоз куйларга оид “роҳ”, “наво” каби умумий, “тарона”, “замзама”дек махсус атамалар ишлатилган”. Демак, шу куйлар халқ орасидаги қадим-қадимдан буён бор бўлган, севиб ишлатилган. Бу ҳол икки нарсадан далолат беради. Биринчидан, мақомларнинг тарихий илдизлари қадим-қадим даврлар билан боғлиқ. Иккинчиси шундан иборатки, ислом динининг тараққиётига сезиларли ҳисса қўшишни мўлжаллаган сиймолар халқ орасида машҳур куйлардан бевосита фойдаланганлар. Ўз навбатида, бу жараён мақомларнинг тараққиётига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган.

Юқорида барча айтганларимиздан шуни англаш мумкинки, мақом тоифасидаги куй-ашулаларни эшитиш эшитгувчига чексиз ҳузур бағишлайди. Бироқ мақомларга тегишли асосий масалаларни жамулжам қилиб, бу неъматнинг тараққиёт қонуниятларини, ижодий тамойилларини бугунги талаб доирасида очиб бериш осон иш эмас. «Мақомот» китоби шундай салмоқли тадқиқот эканлиги кишини қувонтиради.

Шу ўринда яна бир воқеани эсламоқчимиз. Маълумки, Юнус Ражабий Ўзбекистон радиоси қошида мақом ансамблини ташкил этган. Аммо бу ансамбль собиқ шўро салтанатида қандай машаққатларга учраганлигини эски авлод вакиллари яхши билади. Ҳатто ансамбль бир муддат, миллий мусиқага ўралашиб қолаяпти, деб тугатилди. Юнус ака ва ҳофизлар ишсиз қолдилар.

Мустақиллигимиз миллий қадриятларга кенг йўл очди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил топиб, Самарқандда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Шарқ мусиқа санъати байрами — «Шарқ тароналари», жумладан, ўзбек мақом санъати бойликларини дунёга қайтадан кўрсата бошлади. Бугун бизнинг мақомимизни ва бу санъат намояндаларини энг ривожланган давлатларда ҳам билишади ва уларни катта қизиқиш билан тилга олмоқдалар. Бугун «Мақомот» каби миллий мусиқа санъатимиз тарихини тадқиқ этувчи илмий асарларга ҳам ойдин йўл очилди. Миллий қадриятларимизни, миллий ўзлигимизни оламга ёрқин намойиш этаётган мустақил ривожланишимизни шу маънода ҳам алоҳида қадрлашимиз керак.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**академик.**


*Юртимиз пахтакорлари диққатига!*

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

**«ПАХТА БАНК»**

Сизлар учун 3 ойдан — 1 йил муддатгача қабул қилиниб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган

“Оқ олтин”, “Пахтакор”, “Саховат”

муддатли омонатларини таклиф этади!



Ушбу жамғарма омонатларга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!



**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети**

*қабул комиссияси 2004-2005 ўқув йилига пулли-тўлов шартнома асосида таълим тури, тили ва йўналишлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2004 йил 28 августда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газетасида эълон қилган эди.*

*Шу абитуриентлардан бўш (вакант) қолган ўринларга Давлат қабул комиссиясининг 22 сентябр қарорига мувофиқ давлат тест маркази қайдномасида навбатда турган қуйида келтирилаётган балларни тўплаган абитуриентларни пулли-тўлов шартнома асосида танлаган йўналишлари бўйича ариза билан қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.*

**Таълим шакли — кундузги**

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | Математика ва информатика | 93,00 ва ундан юқори |
| 1002 | Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими) | 70,30 ва ундан юқори |
| 1004 | Кимё ва экология | 115,60 ва ундан юқори |
| 1005 | Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси | 107,70 ва ундан юқори |
| 1006 | География ва иқтисодий билим асослари | 89,80 ва ундан юқори |
| 1007 | Ўзбек тили ва адабиёти | 117,90 ва ундан юқори |
| 1015 | Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 126,40 ва ундан юқори |
| 1018 | Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 94,00 ва ундан юқори |
| 1019 | Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология) | 71,50 ва ундан юқори |
| 1021 | Педагогика ва психология | 91,10 ва ундан юқори |
| 1025 | Инглиз тили | 145,10 ва ундан юқори |
| 1026 | Немис тили | 132,30 ва ундан юқори |
| 1033 | Тарих | 111,9 ва ундан юқори |
| 1042 | Машинасозлик | 74,10 ва ундан юқори |
| 1045 | Агрономия | 77,60 ва ундан юқори |
| 1150 | Мусиқий таълим | 68,00 ва ундан юқори |
| 1182 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 73,00 ва ундан юқори |
| 1275 | Амалий санъат | 82,60 ва ундан юқори |
| 5201 | Қозоқ тили ва адабиёти | 75,70 ва ундан юқори |

**Таълим шакли — махсус сиртқи**

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1002 | Меҳнат таълими | 68,00 ва ундан юқори |
| 1018 | Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 72,40 ва ундан юқори |
| 1019 | Мактабгача таълим ва болалар спорти | 80,60 ва ундан юқори |
| 1150 | Мусиқий таълим | 79,20 ва ундан юқори |
| 1182 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 69,40 ва ундан юқори |

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентларни ректор номига ёзма ариза билан 2004 йил 30 сентябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишларини ва шартномаларни расмийлаштириб тўловларни бажаришларини сўраймиз.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Юсуф Хос Хожиб к., 103-уй. Университетнинг 4-ўқув биноси.

Қабул комиссияси ва маркетинг бўлими телефонлари рақами: 55-70-27, 55-50-77


Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва халқаро журналистика факультети жамоаси халқаро журналистика факультети катта ўқитувчиси Назира Тошпўлатовага акаси **Эминжон ҚУРБОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси, катта ўқитувчи **Фозилжон ҲОШИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 968, 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФАЙЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*ЎзА якуни — 21.00.*
*Топширилди — 21. 30.*
1 2 3 4 5